

**XDP**

1918-yil  
21-iyundan chiqa  
boshtagan

№32, 2023-yil  
23-avgust,  
chorshanba (32.778)

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

# O'zbekiston ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

## ЎЗБЕКИСТОН — ОЗАРБАЙЖОН:

МАМЛАКАТЛАРИМИЗ  
ЎРТАСИДАГИ САВДО  
АЛОҚАЛАРИ ЭРКИН САВДО  
РЕЖИМИДА АМАЛГА  
ОШИРИЛМОҚДА. 1998 ЙИЛДА  
ТУЗИЛГАН ҲАМКОРЛИК  
БҮЙИЧА ХУКУМАТЛАРАРО  
ҚЎШМА КОМИССИЯ САВДО-  
ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ  
ҲИСОБЛАНАДИ.  
ЎЗБЕКИСТОН ВА  
ОЗАРБАЙЖОН ЎРТАСИДАГИ  
ТОВАР АЙЛАНМАСИ  
2016 ЙИЛДАН БҮЁН 6  
БАРОБАР ОШДИ, 2022 ЙИЛ  
ЯКУНЛАРИ БҮЙИЧА 180  
МИЛЛИОН ДОЛЛАРДАН  
ЗИЁДНИ ТАШКИЛ ЭТДИ.  
ЖОРЙИЙ ЙИЛДА ҲАМ САВДО  
АЙЛАНМАСИ ЎСИШДА ДАВОМ  
ЭТДИ — 2023 ЙИЛНИНГ  
7 ОЙИ ДАВОМИДА БУ  
ҚЎРСАТКИЧ 144 МИЛЛИОН  
ДОЛЛАРГА ЭТДИ.  
БУГУНГИ КУНДА  
ЎЗБЕКИСТОНДА  
ОЗАРБАЙЖОН КАПИТАЛИ  
ИШТИРОКИДАГИ 203  
ТА КОРХОНА ФАОЛИЯТ  
ҚЎРСАТМОҚДА. УЛАРНИНГ  
АСОСИЙ ФАОЛИЯТ  
ЙЎНАЛИШЛАРИ САВДО,  
МАШИНАСОЗЛИК, МЕТАЛЛГА  
ИШЛОВ БЕРИШ, МОЛИЯ ВА  
СУГУРТА, КЎЧМАС МУЛК,  
ЭНЕРГЕТИКА, ХИЗМАТЛАР,  
ЗАРГАРЛИК БЮМОЛЛАРИ  
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, ОЗИҚ-  
ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТНИ  
ҚАМРАГ ОЛГАН.



Ўзбекистон  
фаҳрийларининг  
ижтимоий фаолиятини  
қўллаб-қувватлаш  
“Нуроний” жамғармаси  
фаолларининг  
Ўзбекистон халқига  
МУРОЖААТИ

Азиз ватандошлар!  
Жонажон Ўзбекистонимизнинг бетакрор табиати, унинг  
бой ўсимлик ва ҳайвонот олами, гузал bog va хиёбонлари  
миллият бойлигимизнинг ажралмас қисми ҳисобланади.  
Бу неъматларни ажоддларимиз бир неча юз йиллар асрabi-  
авайлаб, келгуси авлодлар учун улкан мерос қилиб қол-  
дирган.

Ажоддларимиз ўз юртини, яшаган манзил-маконини  
обод қилиш, буғу бўстонлар яратишга катта эътибор қа-  
ратган. Амир Темур бобомиз бунёд этган, Алишер Навоий  
бобомиз ташаббуси билан яратилган буғу роғлар, Захи-  
ридин Мухаммад Бобур томонидан барпо этилган “Боғи  
Бобур” хали-ҳамон тиллардан тушмайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бу-  
нёд этилган “Янги Ўзбекистон” боғи ҳам ана шу эзгу ань-  
аналар давоми бўлиб, мамлакатимизда янги Ўзбекистон  
девлатини барпо этиш йўлидаги интилиш ва ислоҳотлари-  
мизнинг гўзл тимсолига айланди. Боғ марказий қисмидаги  
Мустақиллик монументи ҳалқимизнинг тарихий хотириаси,  
орзу-умидлари билан ҳамоҳанг муҳташам бадиий обида си-  
фатида барчамиз учун қадрлидир.

Бу гўзал боғнинг салобатига қараб, Ўзбекистон халқ шо-  
ириаси Зулфияхониминг “Бу боғлар бир боғлар бўла-  
ди ҳали...”, деган сатри ёдимишга тушади. Ҳакикатан ҳам,  
ушбу боғда пойтактимиз аҳолиси, мамлакатимиз шаҳар ва  
кишлекларидан, хориждан келадиган меҳмонлар яйраб  
дам олиши, одамларимиз оиласи, фарзанд ва набиралари  
билан бирга мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча шаро-  
ит яратилмоқда. Ҳадемай бу маскандаги нихоллар кўкка  
бўй чўзиб, сўлим хиёбон тусиға киради. Мамлакатимизнинг  
турли ҳудудларида барпо этилаётган янги боғ ва хиёбон-  
лар учун намуна бўлиб хизмат қилади.


Давоми 5-бетда.

### УМУММАНФААТ ЙЎЛИДА



3 САҲИФА

### ТОШКЕНТ МЕТРОСИ



7 САҲИФА

### МАБЛАГЛАР ЎЗ ВАҚТИДА ВА МАҚСАДЛИ САРФЛАНИШИ ЗАРУР



2023 ЙИЛ 22 АВГУСТ КУНИ  
ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК  
ПАЛАТАСИНИНГ НАВБАТДАГИ  
МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА  
ДЕПУТАТЛАР ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ  
БЮДЖЕТИНИНГ ВА ДАВЛАТ  
МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ  
БЮДЖЕТЛАРИНИНГ 2023 ЙИЛ  
БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛНИДАГИ  
ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДАГИ  
ҲИСОБОТНИ КЎРИБ ЧИКДИ.

2



# МАБЛАГЛАР ЎЗ ВАҚТИДА ВА МАҚСАДЛИ САРФЛАНИШИ ЗАРУР

Тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш ва ривожлантириш мамлакатимизда устувор йўналишга айланди. Натижада тадбиркорларимиз республикаизининг иктисодий қудратини ва экспорт салоҳиятини оширишга улкан хисса кўшмоқда. Улар инвестицияларни жалб қилиш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатишни янада кенгайтиш, янги иш ўринларини яратишда ибрат ва намуна кўрсатмоқдалар, ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этмоқда.

Мажлисда таъкидландиди, дунёда юзага келган мураккаб вазият, транзит ва логистикадаги муммомлар, асосий иктиносидий ҳамкорларимиз бўлган давлатларда иктиносидий ўсишнинг пасайиши каби холатлар ўзбекистон иктиносидига, шу жумладан, бюджет ижроси жараёнинг, пул-кредит, молия тизимига ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Ўз вақтида амалга оширилган кенг кўламили ва изчил ислоҳотлар ўзбекистон иктиносидиётининг баркарор ўшиш суръатларни сақлаб қолиши имкониятини берди. Хусусан, 2023 йилнинг биринчи ярим йиллигидаги мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажми 5,6 фоизга ўди. Ташки савдо айланмаси 29,2 млрд АҚШ долларини ташкил этиб, 2022 йилнинг мос даврига нисбатан 19,4 фоизга ўстан. Республика ҳудудидаги аҳолининг реал давромадлари 6,5 фоизга ўшган ҳолда, аҳоли жон бошига умумий даромадлар 9,3 млн сўмни ташкил қилди.

Хисобот даврида мамлакатимизда солик юқини камайтириш, тадбиркорлик фаолияти субъектларига солик имтиёзларини бериш, солик тўловчиларга енгилликлар яратиш бўйича кенг кўламили ишлар амалга оширилиши натижасида давлат бюджети даромадлари ошириб (106,3 фоизга) бажарилишига эришилди.

Депутатлар мамлакатимизда электр энергия ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, кў-

мир ва бошқа ёқилиғи-энергия ресурсларини қишига ғамлаш борасида барча имкониятлар ишга солинаётганини эътироф этган ҳолда, куз-киш мавсумига оз фурсатлар колганига қарамасдан иссиқлик таъминоти обьектларини қишига тайёрлаш ишлари суст кетаётгани сабаблари билан кизиқидилар.

Хусусан, Қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги вазирлигига давлат бюджетидан иссиқлик таъминоти обьектларини куриш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш учун ҳаражатларга ажратилган маблағ 41 фоизга ижро этилгани танқид остига олинди.

Муҳокамалар давомидиа депутатлар маҳаллий давлат органлари мансабдор шахсларининг ижро интизомини ошириш, давлат бюджеттининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг келгуси давр учун ўз вақтида, сифатли ижро этилиши устидан парламент назоратини кучайтириш зарурлигини таъкидладилар.

## ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФРАКЦИЯСИ ПОЗИЦИЯСИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси кун тартиbidаги мухим масаласи юзасидан ўз позициясини билдириди.

Хисобот даврида бюджет ҳаражатларининг аксарият кисми партияниң дастурий мақсадлари билан боғлиқ масалалар, яъни ижтимоий ҳаражатларни молиялаштиришга йўналтирганлиги ҳамда давлатнинг фуқаролар олдидағи мажбуриятини бажаришга қаратилгани диккатга сазовор.

Ҳукумат томонидан солик маъмурчилиги бўйича ижобий ишлар амалга

оширилганини ҳам эътироф этиш керак. Хусусан, 2023 йилнинг 1-ярим йиллигida фойда солиги тўловчилар сони 176 мингтани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 12,1 фоизга ўшган. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги тушумлари биринчи ярим йилликда 14,4 трлн сўмни ташкил этгани натижадорлик ошаётганини кўрсатади.

Албатта, ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар кўлами жуда кенг. Шу билан бирга, айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланмокда. Бу борада ҳукумат бюджет маблағларидан самарали сарфланиши юзасидан қўйидагилар тақлиф этилди:

Биринчидан, бюджет даромад қисмини кўпайтиришда норасмий секторда фаолият олиб бораётган фуқаролар даромадларини легаллаштириш мухим манба ҳисобланади. Бу борада ҳукумат қандай аниқ ҷоралар кўраётгани, қандай реал натижаларга эришилаётгани ҳақида тегишли маълумотлар тақдим этилмаган. Фракциямиз келгусида мазкур йўналишида батағсил ахборот бериб бориши тавсия этади.

Иккинчидан, фуқароларнинг соғлиғини сақлаш, малакали тиббиёт хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантиришга давлат бюджетидан катта маблағлар ажратилмоқда. Лекин уларни ўз вақтида ва мақсади ишлатишида айрим муммомлар кўзга ташланмоқда. Хусусан, соғлиқни сақлаш тизимига ажратилган бюджет маблағларининг мақсадлилиги ва самарадорлиги бўйича жиддий саволлар туғилмоқда.

Мисол учун, Соғлиқни сақлаш вазirligi томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида тасдиқланган штатлар жадвали ва ҳаражатлар сметаси 3,7 млрд сўмга

ортича режалаштирилган. Бу бир мисол сифатида келтирилмоқда. Мана шундай камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни қисқа вақтда бартараф этиш бўйича мутасадди вазирликлар ўзларининг тавсирчан чораларни кўриши керак, деб хисоблаймиз.

Учинчидан, ҳисоботда куз-киш мавсумига тайёргарлик кўриш борасида Қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги вазирлигига ажратилган бюджет маблағларини иссиқлик таъминоти обьектларини реконструкция қилиш учун 41,1 фоизи сарфлангани кўрсатилган. Бу эса яратилган имкониятлардан самарали фойдаланилаётганини, деган саволни келтириб чиқаради.

Мазкур масала бўйича фракция йиғишида ҳам тўлиқ асосли жавоб олинмади. Шуларни ҳисобга олиб, бюджет маблағларининг ўз вақтида ўзлаштирилиши ва мақсадли сарфланиши юзасидан Ҳукумат томонидан жиддий назорат олиб боришини тавсия этамиз. Фракциямиз депутатларини ушбу жараёнларда фаол иштирок этишини маълум килмиз.

Юкоридагилардан келиб чиқиб, 2023 йил биринчи ярим йиллик ижроси якунлари бўйича давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисобтони кўллаб-кувватлаймиз. Зотан, бюджет ҳаражатлари очик-ошкора бўлиши, давлат идоралари, ҳудудлар унинг ҳар бир сўмини оқилона, тизимли равишда сарфлаши лозим.

Қизғин савол-жавоблардан сўнг депутатлар давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини 2023 йил биринчи ярим йилликдаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

## СУБСИДИЯ АЖРАТИШНИНГ ЯНГИ МЕЗОНЛАРИ

Кечаки Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши медиа марказида "Субсидия ажратишнинг янги мезонлари" мавзусида давра сұхбати бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари, ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳри ва туманлари Кенгашлари депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги вазирлиги, давлат ва тижорат банклари мутахассислари иштирокида ўтган тадбирда Президентимизнинг 2023 йил 13 апрелдаги "2023 йилда бозор таъминларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошириш чора-тадбирла-ри тўғрисида"ни фармони ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Йигилишда таъкидланганидек, кейнги йилларда аҳолининг кам таъминланган, эҳтиёжманд, ижтимоий ҳимояга муҳтоҳ қатламларини камбагалликдан чиқариш, уй-жой билан таъминлаш борасида жуда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Давлат раҳбарининг 2023 йил 13 апрелдаги 51-сонли

Фармони эса бу борадаги амалий ишларнинг мантикий давомидир.

Йигилиш аввалида ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Мақсаду Ворисова ва Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Бошқарма бошими Боймурод Юсупов Президент Фармони ижросини таъминлашда ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг иштироки ҳақида сўзлаб, унинг ижроси депутатлар томонидан жамоатчилик назоратига олиниши мухимлигига алоҳида тўхталиб ўтишиди.

Субсидия банклар орқали ажратилар экан, бу борада молиявий муассасалар фаоллиги ва шаффофлигини ошириш масаласи ҳам алоҳида аҳамиятга эга эканлигини ҳам уннутмаслигимиз керак. Субсидия кимларга ва қай тартибда ажратилаётгани, унинг адолати тақсимланиши бўйича қандай тартиб жорий килингани соҳа мутахассислари томонидан очиқланди.

Тадбирда шу билан бирга банкларда расмий даромадга эга бўлмаган шахсларга ипотека кредитини ажратишида уларнинг қобилиятини аниқлашнинг муқобил усуулларидан фой-

даланиши ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа ҳаражатларини инобатга олувчи скоринг тизимини жорий қилиш юзасидан саволлар ҳам берилиди. Депутатларнинг шу каби саволларига Халқ банки Жисмоний шахслар кредит андеррайтинг бошқармаси бошлиги - Акром Мардиев ҳамда Қишлоқ қурилиши банки ипотека кредитлаш департаменти бошлиги ўринбосари Дилшод Ҳасановлар атрофлича жавоб бериб ўтишиди.

Давра сұхбатида шунингдек, кўп қаватли уй-жойларнинг амалиётини жорий қилиш, "Менинг биринчи уйим" дастури ижроси юзасидан олиб бораётган ишлар ҳақида сұхбатлашилди ва Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги вазирлигидан келган масъуллар билан айрим масалалар юзасидан савол-жавоб ва муҳокамалар ўтказилди.

Қизғин баҳс-мунозараларга бой тарзда кечган учрашувда ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашда юзага келаётган айрим камчиликларни бартараф этиш бўйича тақлифлар ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

# УМУММАНФААТ ЙЎЛИДА



ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ ВАЗИЯТ БУГУН ҲАР ҚАЧОНГИДАН ҲАМ МУРАККАБДЕК КҮРИНМОҚДА. БУНИ ЖАҲОНДА БЎЛАЁТГАН ЖАРАЁНЛАРНИНГ КЕТМА-КЕТЛИГИДАН ҲАМ АНГЛАШ МУШКУЛ ЭМАС. ХАЛҚАРО МУВОЗАНАТ ЧАЙҚАЛМОҚДА. ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИГА ЎЗ АМБИЦИЯЛАРИНИ СИНГДИРИБ КЕЛГАН ЙИРИК КУЧ МАРКАЗЛАРИ БУГУН ЎЗ ТАШҚИ СИЁСАТ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШГА МАЖБУР БЎЛМОҚДА.

БУНИ ДАВР ТАҚАЗО ҚИЛМОҚДА. МАЙДОНГА МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҚАТТИҚ ҲИМОЯ ҚИЛАДИГАН ЯНГИ "ЎЙНИЧИЛАР" КИРИБ КЕЛМОҚДА. БУГУНГИ КУН СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИДАН БИРИ, БУНДА МАҶЛУМ ДАВЛАТЛАР БИЛАН БИР ҚАТОРДА ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ ЯГОНА БЎЛГАН ХАЛҚЛАР БИРЛАШИБ, ЯХЛИТ УМУММАНФААТЛАРИНИ ИФОДАЛАБ, ЎЗ СЎЗИНИ АЙТАЁТГАНИДИР. МАСАЛАН, ЯГОНА ТАРИХИЙ ИЛДИЗ, ТИЛ, МАҶДАНИЯТ, ДИН ОМИЛЛАРИ ОРҚАЛИ БОҒЛАНГАН ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИГА БИРЛАШИБ, БУГУН ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ЙИРИК СИЁСИЙ ТУЗИЛМАГА АЙЛАНИБ УЛГУРДИ. ТУРКИЙ ДУНЁ ФАОЛЛАШГАНИ ҲАҚИДАГИ ХАБАРЛАРНИ АХБОРОТ МАКОНИДА УЧРАТИШ ОДАТИЙ ҲОЛГА АЙЛАНИБ БОРМОҚДА.

Куни кече Венгрия Бош вазири Виктор Орбанинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан Венгрияда бўлди.

Туркӣ давлатлар ташкилотига аъзолиги кутилаётган Венгрия европача урф-одат ва анъаналар шаклланган бўлишига қарамасдан, туркӣ халқларга яқинлигин инкор этмайди. Баъзи таҳлилчиларинг фикрлари гаўра, бугунги кунда Венгрия сиёсий элитаси таркибида туркӣ дунё билан яқинлашиш истаги юқори бўлғанлар талайгина.

Ташриф доирасидаги Ўзбекистон билан Венгрия ўртасидаги стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириши масалалари мұхокама килинди.

Жаноб Орбан давлатимиз раҳбарига Венгриянинг миллий байрами – авлиё Иштван кунига бағишлиланган тадбирларда ҳамда шу кунларда Венгрия пойттаҳтида ўтаётган енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионатининг иртаклар ӯртасидаги юргуриш мусобақалари финалида шахсан иштирок этәётгани учун самимий миннатдорлик билдири.

Ўзбекистон етакчиси, ўз навбатида, Венгрия ҳуқумати да бўлди халқини миллий айём билан дилдан кутлади. Будапештда ўтказлаётган жаҳон биринчилиги ушбу мamlакat спорт соҳасидаги бой анъаналарга егалиги ва кинейнинг йилларда бу борада юксак муввафқиятларга эришаётганинг далолати эканини алоҳида таъкидлади.

Амалий ҳамкорликни барча йўналишларда изчил ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди. Олий даражадаги келишувлар самарали амалга оширилаётгани, парламентлар, ҳуқуматлар, идоралар ва худудий маъмуриятлар ўртасида сермаҳсул алоқалар ўйлга қўйилгани таъкидланди.

20 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Европанинг етакчи "OTP" банки бошқаруви раиси Шандор Чаньини қабул килиди.

Давлатимиз раҳбари Венгрия ишбилилар монлари билан ҳамкорликдаги биринчи йирик лойиҳа муввафқиятли амалга оширилган – "OTP" банки Ўзбекистон бозорига кирганини таъкидлади.

"Ипотека-банк"ни хусусийлаштириш бўйи-

дан битимнинг муввафқияти хорижий инвесторларга мухим ишора бўлгани ва уларнинг мamlакатимизга қизиқишини оширгани қайд этилди.

Учрашувда Ўзбекистон банк-молия соҳасини ривожлантириш, шу жумладан, хизматлар сифатини ошириш, энг аввало, бизнес учун инновациян варозон маҳсулотларни жорий этиш борасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалалари мұхокама килинди.

Саноат кооперацияси, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа устувор тармоқлардаги қўшма лойиҳаларни қўйлаб-қувватлаш ва илгари сурининг самарали молиявий воситалярини тез фурсатда ишга тушириш мұхимлиги таъкидланди.

Банк раҳбари Шандор Чаньи Венгрия компаниялари ўз инвестициявий фаолиятини кенгайтиришига яратилган қўйлай шароитлар учун Ўзбекистон етакчисига миннатдорлик билдири.

Венгриянинг Bonafarm, Gedeon Richter, Meditop, Wizz Air каби йирик компаниялари Ўзбекистон билан савдо-иктисодий ва инвес-

тициявий ҳамкорлик лойиҳаларида фаол қатнашмода.

Жорий йил 20 август кунидан бошлаб Тошкент ва Будапешт ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновлар ўйлга қўйилиши ишбилиармонлик алоказаларни фаоллаштириш ва сайёхлар оқимини қўпайтиришга хизмат қиладиган мұхим воқеа бўлиши таъкидланди.

Минтақавий, шу жумладан, Туркӣ давлатлар ташкилоти доирасидаги кун тартиби юзасидан батафсил фикр алмашиди.

Бирлашган Миллалар Ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида яқин ва конструктив ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олинди.

Сафар давомида давлатимиз раҳбари Туркия Республикаси Президенти билан ҳам учрашиди. Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик мусобатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қирраларни кенгайтириш масалалари кириб қиради.

Хамкорлик доирасида ўзаро товар айир-

бошлаш кўрсаткичлари мунтазам равишида ўсига бормоқда. Жорий йилнинг 1 июлдан бошлаб Имтиёзи савдо тўғрисидаги битим кучга кирди. Қўшма корхоналар сони 2,5 мингдан ошиди.

Шу жумладан, иккига кўп томонлама тадбирлар жараси, шунингдек, қўшма Стратегик ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги ийғилишига ҳамда Туркӣ давлатлар ташкилоти ва Иктисадий ҳамкорлик ташкилотининг жорий йилда ўтказилиши мўжталанган саммитларига тайёргарлик масалалари кўриб чиқилиди.

Венгриядаги учрашувларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири, у ерда Ўзбекистон ва Туркия давлат раҳбарларидан ташқари Будапешт шаҳрида ўтаётган енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати доирасида Қатар давлати Амири Тамим бин Ҳамад Ол Соний, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Қыргиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов, Сербия Республикаси Президенти Александр Вучич ва Татаристон Раиси Рустам Миннихановлар ҳам иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг 22 август куни Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан Бокуга жўнаб кетиши ҳам туркӣ дунё фаоллашётганинг янабир исботи, десак муболага бўлмайди.

Тан олиши керак, Ўзбекистон – Озарбайжон муносабатлари кейинги йилларда янги босқичга кўтарилимоқда. Бу, албатта, фаол ва очиқ ташки сиёсат самараасидир.

Бир гурӯҳ эксперталарнинг фикрича, Ўзбекистон фаол ташки сиёсат юритиши орқали ўзининг транспорт-логистика тизимини тубдан яхшилаомоқчи. Бундан Озарбайжон орқали ўтадиган Транскаспий йўлаги ҳам долзарб саналмоқда. Бу йўлакнинг долзарблигига асосий сабаблардан бири сифатида ушбу йўлак Хитойнинг ҳам қўйлаб-қувватлашига сабаб бўлиши мумкинлигидар. Бу эса йўлакни молиялаштириш имкониятини оширади.

Шу ўринда "Шарқшунос таҳлиличилар" гурухининг "Озарбайжоннинг Ўзбекистон учун аҳамияти" номли таҳлилий маълумотини ётиборингизга ҳавола этамиш:

"Сўнгги пайтларда Марказий Осиё ва Кавказ ўртасидаги алоқалар мустаҳкамлашни кўзга ташланмоқда. Шимолий йўлакнинг бекарорлашиши, айниқса, Россия-Украина уруши билан биргаликда Евросиё мамлакатларини, шу жумладан, Хитойни янги йўналишларни излашга унади. Айни пайтда Ўрта йўлакдан ўтган Каспий денгизининг шарқий ва гарбий қисмидаги давлатлар ўртасида яқинлашиш жараёни сезиларли дараҷада тезлашиди.

Озарбайжон, Қозогистон ва Туркманистон ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамлашниши Шарқ ва Гарб ўртасидаги Ўрта йўлакдан фойдаланишининг аҳамияти ва салоҳиятини ошириди. Боку ва Тошкент муносабатларининг мустаҳкамлашини бу жаҳаёнларни янада жадаллаштириди. Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг 2022 йил 21-22-июн кунлари Ўзбекистонга ташрифи чоғида иккига давлат ўртасида 19 та шартнома имзоланган эди. Битимларнинг асосий мазмуни стратегик шерикликни ўрнатиш ва халқаро ҳамкорликни кенгайтишдан иборат.

Агар 2019 йилда мамлакатлар ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 81 миллион долларни ташкил этган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 82,3 миллион долларни ташкил этди. Бундан ташқари, иккига томонлама муносабатларнинг кенгайтиши билан бир вақтда

товар айирбошлаш ҳажми 16 фоизга ошиб, 111,9 миллион долларга етди. Бу кўрсаткич 2022 йилда ва ундан кейин ҳам ўсиш тенденциясини давом эттириши куттилмоқда. Ҳозир Боку ва Тошкент умумий қиймати 700 миллион доллардан ортиқ бўлган бешта йирик лойиҳани амалга оширишнинг молиявий ва техник жиҳатлари устида ишламоқда.

2022 йилда Туркия, Ўзбекистон ва Озарбайжон ташки сиёсати савдо тўғрисидаги "Ўрта йўлак" мавзусида учрашув ўтказди. 2022 йил 2 августанда бўлиб ўтган учрашув натижасида Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқкан Тошкент декларацияси имзоланди. Айниқса, иккига давлат ўртасидаги мұхим воқеа энергетика соҳасидаги ҳамкорлик бўлди. Бундан ташқари, томонлар "Ўзбекнефтгаз" ва СОСАР каби углеводород ресурсларини қидириш ва қазиб олиш бўйича қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиши ҳамда тажриба алмасиши, ўзаро инвестиция ва хусусийлаштириши рағбатлантириш бўйича келишиб олиши. Бундан ташқари, Қорабоғдаги лойиҳаларни бўйича ҳамкорлик олиб бориши билдирилимоқда. Айни пайтда Ўзбекистоннинг Гарбга чиқиш учун Зангезур йўлайдан фойдаланиш имконияти энг катта истиқболидир.

Ўзбекистон ўзининг фойдали қазилма бойликлари, Марказий Осиёдаги энг кўп аҳолиси, иқтисодиётни либералаштириш қадамлари ва геосиёсий мавқеи билан Евросиёдаги "ёрқин юлдуз" ҳисобланади. Озарбайжон Осиёнинг Каспий денгизи орқали Европага қиадиган энг мұхим "дарваза" ҳисобланади. Ўз-ўзидан кўринади турбиди, иккига давлат ўртасидаги мустаҳкамланган муносабатлар ўзаро манбаатли ёндашув орқали янада юқори босқичга кўтарилади.

Бундан ташқари, Боку – Тошкент яқинлашви ўрта йўлакнинг стратегик аҳамиятини оширади. Чунки Озарбайжон денгизга чиқиш имкони бўлмаган Марказий Осиё давлатлари учун мұхим порт бўлади. Шу тариқа Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши иккига томонлама манбаатлар олиб келиши аниқ. Аввало, давлатлар янги иқтисодий манбаатлар ва мустаҳкам алоқаларга эга бўладилар. Хусусан, Ўзбекистон Гарбга энг қиска ва арзон йўл орқали етиб бориши мумкин бўлади.

Иккинчидан, Ўрта йўлакнинг тўлиқ салоҳияти ишга туширилади ва фойдаланилади. Бу Кавказ ва Марказий Осиё контекстидаги минақани мустаҳкамлаш демакдир. Шу билан бирга, бу ҳолат Хитойдан Европага транспортни осонлаштиради ва Евросиёда барқарор ривожланиши тезлаштиради.

Бир сўз билан айтганда, бу иккига давлат ўртасидаги муносабатлар катта салоҳиятга эга бўлиб, барқарорликни сақлашва Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё минақалари тараққиётida мұхим рол ўйнайди.

Хулоса ўринда айтмоқчимиз, туркӣ дунё узоқ йиллар давомида бир-биридан айро бўлди. Бунга ҳар кимда ўзича сабаблар, важлар бор. Лекин, бугунги таҳликаларни дунёда бирлашиш – давр талаби. Туркӣ дунё етакчилари айни даврда туркӣ халқлар манбаати остида бирлашиб қадам ташлашга ҳарракат қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, биз туркӣ тафаккурнинг тарихий ўйғоқлигига гувох бўлмоқдамиз.

Аҳмад ҚУРБОНОВ.

## JARAYON



# ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИНГ НАТИЖАСИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЭНЕРГИЯ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙИЛДАН ЙИЛГА МУРАККАБЛАШМОҚДА. ТАБИЙ, ИЖТИМОЙИ, АЙНИҚСА, СИЁСИЙ-ИҚТISODИЙ МУРАККАБЛИКЛАР ЖАҲОНДАГИ ВАЗИЯТНИ БОРГАН САРИ ЖИДДИЙ ТУС ОЛДИРМОҚДА. ДУНЁНИНГ ТУРЛИ МИНТАҚАЛАРИДА ДАВОМ ЭТАЁТГАН ҚУРОЛЛИ ТЎҚНАШУВЛАР, ТАБИЙ ВА ТЕХНОГЕН ҲОДИСALAR ОҚИБАТЛАРИ ЧУҚУРЛАШМОҚДА.

КАТТА-КИЧИК ОМИЛЛАР ОҚИБАТИДА ОЗИҚ-ОВҚАТГА, ЭНЕРГИЯГА ТАЛАБ ҲАМ, НАРХ-НАВО ҲАМ КЎТАРИЛИБ БОРЯПТИ. БИР-БИРИГА ЗАНЖИР СИНГАРИ БОҒЛИҚ БЎЛГАН ХОДИСALAR ЗАМИРИДА ИҚTISODИЙ ВА МОЛИЯВИЙ ИНҚIROZ ЮЗАГА КЕЛМОҚДА.

ДАВЛАТ РАҲБАРИ ҲУДУДЛАРГА БОРИБ, РЕСПУБЛИКАДАГИ БАРЧА МАСъУЛЛАРНИ ТЎПЛАБ ТАҲХИЛИ ҮТКАЗАЁТГАНИ, ВАЗИЯТГА РЕАЛ БАҲО БЕРАЁТГАНИ, ТАЛАБНИ ҚАТТИҚ Қўйиб, ВАЗИФАЛАРНИ БЕЛГИЛАБ БЕРАЁТГАНИ БЕЖИЗ ЭМАС.

Бухоро вилоятида бўлиб ўтган видеоселектор йигилишида озиқ-овқат маҳсулотларини кўлайтириш орқали нарх-наво барқарорлигини таъминлаш, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини энергия ресурслари билан кафолатли таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган эди.

Қайд этилганидек, бу йилги қарҳатон қиши ва ёздан ўта иссиқ кунлар синовли бўлди. Шу боис келаётган қиши ҳозирданок тайёрланниш, бунинг учун етарли озиқ-овқат захирасини шакллантириши ва энергия барқарорлигини таъминлаш мухим.

Сув ресурслари йилдан-йилга камайиб боряётгани оқибатида озиқ-овқат танқислиги кўплаб давлатларда кун тартибидаги энг асосий масалалардан бирига айланмоқда. Кўп туман ва шаҳарлар сабзавотлар, гўшт ва тухумни бошқа ҳудудлардан олиб келмоқда. Ҳокимлар ажратилган ерлардан фойдаланиши тўғри ташкил олмаяпти. Мутасадилар энергия хавфсизлиги бўйича ҳам кенг қамровли ишларни бажариши зарур.

## 7 ТА ИШЧИ ГУРУХ

Халқимиз турмуши учун долзарб аҳамиятга эга вазифалар бажарилишида парламентнинг, мажаллий Қенгашларининг ўрни қандай бўлади? Жамоатчилик, депутатлик ва парламент назоратини изчил амалга ошириш, жойлардаги ижро ҳокимияти раҳбарларининг аҳоли олдидаги масъулиятини кучайтириш зарурати ҳар қаёнгидан ҳам ортиб бормоқда.

Ўтган ҳафта Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида Спикер Нуриддинжон Исмоилов 7 та вилоядта ишчи гурухи тузилганини таъкидлаган. Уларнинг асосий вазифалари жойларда назорат тадбирларини олиб боришдан иборат. Ҳусусан, қабур қилинган қонунлар қандай ишляяпти, мавжуд имкониятлардан мажаллий ҳокимлик бошкарувчи органлари қай даражада фойдалана олжапти, қаерда ҳуқуқий бўшилар ёки муаммолар борлигига эътибор қаратилиди.

Парламент назорати институтидан самарали фойдаланиши лозимлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб кўймоқда. Ҳар бир вилояддан биттадан шаҳар ва туман намуна сифатида олинмоқда. Аввало, депутат назорат үрнатилётган масалани чукур ўрганиши, ҳудуддаги факт ва рақамларни тахлил қилиш учун эса барча ўйналишдаги иқтисодий кўрсатчилардан боҳабар бўлиши талаб этилади. Шу кунларда жойларда ишчи гурухи томонидан ўрганилган масалалар асосида сессиялар үтказилмоқда. Бу орқали мажаллий Қенгашга амалий ёрдам килиш, барча даражадаги партия ташкиллари ишини жонлантириши ҳам кўзда тутилган.

зоратга олингандиги таъкидланди.

Сессия йигилишида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларидан иборат ишчи гурухи аъзоларининг ҳам муҳокама этилган масалалар бўйича фикр ва мулоҳазалари эшилтиди.

Сессияда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикер иштирок этиди ҳамда мамлакатимизда бу йил амалга оширилган конституциявий ислоҳотлар, унинг моҳияти ва аҳамияти, мажаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ўрни ва масъулияти, Президентимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, яқинда Фаргона, Тошкент ҳамда Бухоро вилоятларида ўтказилган йигилишларда белгилаб берилган устувор вазифаларга aloҳида тўхталган. Муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишили қарорлар қабул килинди.

учун берилган бўлса, 2023 йилда эса 687 гектар майдон "Е-аукцион" платформаси орқали танловга чиқарилган, шундан 652 гектари 1003 нафар фуқарога тақсимланган. Туманда 3 та – "Кумкўргон томорқа хизмати", "Боғаро томорқа хизмати" ва "Буюк келжак ағро" томорқа хизматлари бор. Аммо аксарият фуқаролар бундан бехабар экан.

Маслан, "Бобоғончин" МФЙдаги 2 гектар ер узоқ йиллик ижара асосида "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари"да турдаган шахсларга берилган. Айрим фуқаролар билан сухбатда томорқа хизматидан ёрдам бўлмагани аниланди. "Янги қишлоқ" маҳалласида 7 гектар ер 50 сотидан 14 нафар фуқарога ажратилган бўлиб, улар ҳам томорқа хизмати бўйича маълумотга эга эмас.

Узун туманида эса чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер ҳўжалиги раҳбари сементал зотли қора молни озуқа билан таъминлашда қийинчиликка учраётганини маълум қилид. Австриядан олиб келинган 100 та тўрт тўёклилар сони бугун 160 бошга етган бўлиб, йилига 500-600 миллион сўм маблағ уларни боқиши учун сарфланмоқда. Ушбу қора молларни озуқа билан таъминлаш учун лалми ерлардан жой ажратилишида ёрдам сўралган.

Тумандаги катта-кичик корхоналар раҳбарлари билан сухбатлар олиб борилди. Кимдир кредитга эътиёжи борлигини айтган бўлса, яна кимдир таннэрхнинг кўтарилиб кетишига таъсир қилаётгани боис темир ўйлар харажатларига имтиёз берилишини сўраган.

"Беш капа" ва "Деҳқон" МФЙда яшовчи "Темир дафтари", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"да рўйхатда турган 13 нафар фуқарога ўтган йилини ер берилган. Улар минерал ўғит қимматлигидан, етиштирган маҳсулотларини реализацияни килишга қўйалмоқда. Ҳар бир кило уруғлик картошканни 5000 сўмдан экиб, хосилини 700 сўмдан сота олмайтган экан.

"Янги куч" маҳалласидаги деҳқонларда ҳам сифатли уруғлик олишида, минерал ўғитлар бўйича муаммолар бор. "Томорқа хизмати" томонидан уруғлик ва кўчатлар масаласида ёрдам кўрсатилмаган. Мазкур маҳаллага хизмат кўрсатиш учун очилган "Деҳқонбод томорқа хизмати" МЧЖ ўз фаoliyatini йўлга кўйиш учун 300 млн сўмлик кредит маблағи ола олмаганинига сабабли 2022 йил декабрда ўз фаoliyatini тутгатишига мажбур бўлган.

Парламент аъзолари жойларда аҳоли ва киллари билан юзма-юз сухбатлар ўтказяпти. Ердан фойдаланиши, маҳсулотлар ишлаб чиқаришда муаммолари ўрганилияти. Шу билан бир қаторда, бошқа ижтимоий масалалардаги мурожаатлар ҳам қабул қилинмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, ҳар қандай вазиятга ва шароитга қарамасдан, жойларда иш кетяпти. Аҳоли жон бошига ҳалқ истеъмоли молларни ишлаб чиқариш ҳажми, реал даромад ошаётгани ҳам бор гап. Аммо барча бўғинларлардаги раҳбарлар ҳам ўз ишига сидқидилдан ёндашяпти, деб бўлмайди. Агар мавжуд масалалар ҳал этилса, мутасадилар масъулияти ошса, янада самаралироқ фаoliyat олиб бориш мумкин.

Ҳудудлардаги мурожаат ва муаммоларнинг ҳал этилиши, имкониятлардан тўлиқ фойдаланиши ишлаб чиқариш, сервис, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириши кенгайтиришга хизмат қилиди. Парламент аъзолари жойлардан қандай хулоса ва реал натижалар билан келади? Бу ҳақда кейинроқ, албатта, сўраймиз.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,  
"Ўзбекистон овози" муҳбири.**



# Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-куватлаш “Нуроний” жамғармаси фаолларининг Ўзбекистон халқига МУРОЖААТИ

## Қадрли юртдошлар!

Дено ҳалимизда “Умрингдан бир кун қолса ҳам кўчат эк”, деган пурхикмат нақъ бор. Ота-бобаларимиздан мерос миллий кадрият ва анъаналаримизнинг ажралмас қисми бўлмиш дарахт экиш, боғу гулзорлар яратиш борасидаги гўзал одатларимиз бугунги кунда янги маъно-мазмун билан бойиб, кенг миқёсда давом этмоқда.

Президентимиз ташабуси билан юртимизда “Яшил макон” умуммиллий лойихасига асос солинди. Мазкур ҳалқ ҳаракати натижасида ҳар йили миллионлаб тударахт ҳинчларни экиломқода, янги ўрмон ва боғлар яратилмоқда. Яшил ўрмон ва дарахтзорлар, боғу роглар атроф-муҳитни мусаффо сақлаш, экологик тизимни ва иклимини барқарорлаштириш, тупроқ ва ҳавони тозалашда ҳал қирилувчи омил ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, **яшиллик олами – бу тоза ҳаво, соғлом ҳаёт, узоқ умр демакдир.**

Шунинг учун ҳар биримиз **буғунги ва келажак авлодлар олдиғари маъсъулият ва жавобгарлигимизни чуқур ҳис қилиб, “Яшил макон” лойихаси атрофида янада жипс бўлиб бирлашайлик!**

**Хонадонларимиз, томорқалар, маҳаллаларимиз, кўп қавати үйларимиз атрофида терак, тут, узум каби юртимиз иклим шароитига мос дарахтлар экиб, уларни авайлаб, парваришлаб боғ-рголарни қўпайтирайлик!**

Кўп миллатли Ўзбекистон ҳалқи жорий йилда бўлиб ўтган муҳим сиёсий тадбирлар — янгиланганд Конституциянинг бўйича умумхалқ референдуми ҳамда Президент сайловида юксак фаоллик, даҳлдорлик, аҳиллик ва ҳамжihatлик фазилатларни кўрсатди. Ватан ва ҳалқ манфаати йўлудан қандайд курдатли кучга айланishi мумкинligini бутун дунёга намоён этиди.

Барчамиз учун муқаддас бешик бўлган она Ватанимизнинг бетакор табиати, ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаб қолиш, уни авлодларимизга безавол етказишда ҳам ана шундай хислатларимизни, буюқ бунёдкорлик салоҳиятимизни амалда намоён этайлик!

Ерга ниҳол экиш, парваришлаб янги боғларга айланishi учун эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишида шахсий наомуна кўрсатиб, ташаббускор бўлайлик!

Бутун дунёда иклим ўзғарышлари рўй бериб, глобал исиншинг салбий таъсири тобора кучайиб бораётган буғунги мурракаб даврда она табиатга беписанд муносабатда бўлиш, ўнга зарар етказиш ҳолатларига мурасасиз бўлайлик!

Одамларимизга асрлар давомида ўз

◀ Давоми, бошланиши 1-бетда.

исботини топиб келган “Нимани ҳор қилсанг, ўшанга зор бўласан”, деган ҳаёт ҳақиқатининг туб моҳиятини, табиатга хиёнат Ватанга хиёнат билан баробар гуноҳ эканини тушунтирайлик!

Нега деганда, орамизда дарахтларни шафқатсизларча кесиб, пуллаётган кимсалар борлиги яхши аён. Ўзи умрида битта ҳам ниҳол экмасдан, дарахтларга болта ураётган, дарахт кесишина касбга айлантириб олган соҳта тадбиркорлар, мәннавий қашшон кимсаларга карши ҳаммамиз биргаликда курашайлик!

Мамлакатимизнинг айрим жойларидаги “Яшил макон” лойихасига бефарқлик билан қаралаётгани оқибатида катта маблағ, моддий ва меҳнат ресурслари хисобига ёкилган кўчтаплар куриб қолаётган, дарахтзорлар пайхон килинаётган ҳолатлар ҳам, афуски, тез-тез учрамоқда.

**АЗИЗ НУРОНӢӢЛӢЛАР, ДОНО ОТАҲОН ВА ОҚИЛА ОНАҲОНЛАР!**

Бу борада авваламбор сиз, азизларга мурожаат қилаётганимиз, албатта, бежиз эмас. Янги Ўзбекистонимизда тарихий ўзгариш ва ислохотлар, эзгу foя va ташабbuslарни rёёбга чиқариш жараёнда сизлар ҳамиша фаол бўлиб, кимматиди фикр ва мулоҳазангиз, доно маслаҳатнингиз, амалий ҳаракатларингиз билан муносаби хисса кўшиб келмокдасиз. Бой хайтий тажрибангиз, дуо ва тилакларингиз ҳамиша ҳалқимиз учун катта таянч ва суюнч бўлиб келади.

Буғунги кунда она табиатга муносабат, “Яшил макон” лойихасидан кўзланган мақсад-муддао ҳақида ҳалқимиз, айнича, ёшлар ўртасида сухбатлар куриб, ўнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ишларида фаол, фарзанд ва навабларимиз учун куляй табиий мухит яратишида бош-кош бўлиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарзиди.

Ота-бобаларимиздан мерос анъана — оиласида янги фарзанд дунёга келганида унга атаб, албатта, дарахт экишини қайта тиқлаб, ҳайтий қоидасига айлантирасак, айни мудда бўлади. Никоҳдан ўтаётган ёшларимиз мана шундай баҳтил онлардан ёсдалик сифатида яхши ният билан ерга ниҳол экса, анъаналаримиз яна бир гўзал одат билан бойиган бўлар эди. Келин-кўёвларимиз эккан ниҳолларнинг илдизи ерга чуқур ўрнашиб, улгайиб, улкан дарахтга айланниб мева берганидек, ёшларимизнинг оиласи ҳам, албатта, мустаҳкам, баракали, тинч-тотув бўлади.

Пири бадавлат отаҳон-онаҳонлар, фахрийлар, зиёлилар ва азму шижоатли ёшларимиз бирлашидаги маҳаллалардаги бўш ерлар, дала четлари, ариқ ва зовурлар бўйларига терак кўчтаплари ва қаламчалари экишини ташкиллаштирайлик!

Бир туп ниҳолдан 8 тадан 12 тагача қа-

ламча олиш мумкин. Бу қаламчаларни сифатида ёкил, парваришлассак, кузгача ҳар бирни кўчтатга айланади. Оддий қаламчадан кўчтат ва ёғоч етишириш тоза ҳаво, яхшигина даромад манбаи эканини унумтайлик!

**“Бир нуроний – ўн нафар ёшга масъул”, “Устоз ва шогирд” тамоиллари асосида фарзанд ва набираларимиз, маҳаллалар ёшларини ёнимизга олиб, ҳовлилар, кўп қаватли ўйлар, шифохоналар, ишлаб чиқарни корхоналари, таълим-тарбия мусасасалари атрофига дарахт ва гуллар экишни йўлга кўйиш муҳим вазифамиз ҳисобланади.**

“Нуроний” жамғармаси бу борада Эколоғия, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзғариши, Камбагалларни қисқартириш ва бандлик, Соғлини сақлаш, Мактабгача ва мактаб таълимий вазирларлари ҳамда бошқа тегишили идоралар, давлат ва жамоат ташкилларини ҳамкорликка чакиради.

**АЗИЗ АТО-ОНАЛАР!**

Халқимизда “Кӯши ўясида кўрганини қилиди”, деган гап бежиз айтилмаган. Чинакан инсоний түйғулар, аввали, оила багрида камол топади. Фарзандларимиз қалбидаги она табиатга меҳр уйғотиш, атроф-муҳитга этиёткор муносабатда бўлиш таъйғуларини тарбиялашда оиланинг ўрни ва таъсири ҳал қилювни аҳамият касб этади.

Бобоси ва отаси билан бирга дарахт эккан, парвариши қилишда иштирок этган боланинг онгу тафаккури ўзгача бўлади. Она ўртга меҳр ва садоқат руҳида камол топади. Ўзи эккан ниҳол униб-ўсаётганини кўрган боланинг қалбидаги орзу-мақсадлари ҳам юқсак бўлади. Шунинг учун дарахт эканда, ниҳолларни парваришларётганда фарзандларимиз ёнимизга олиб, уларга тупрок билан тиллашиши, ниҳол экиб, ундириши ўргатайлик! Парваришлаган ниҳоли Ватанимиз кўрк кўшишини англатайлик!

**МУХТАРАМ МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИ!**

Буғунги кунда ҳам айрим маҳаллаларда, кўча ва гузарларда қаровсиз ётган ерлар, куриб-ковқириб колган дарахтларни кўрмиз. Бу бизга умуман ярашмайдиган ҳолат. Маҳаллаларимиз киёфаси фаолиятимизни танижасини кўрсатадиган омиллардан бирин эканини унумтиши ҳаққимиз йўқ.

Шу боис, бу йўналишдаги фаолиятимизни таниқидий кўриб чиқиб, ишни тизимли асосда йўлга кўйиш чораларини кўришимиз лозим. Маҳаллаларимиз худудини обод қилиши, зиёратго ва қабристонларни ободонлаштириш каби савобли ишлар ҳамиша ўтиборимиз марказида туриши зарур.

Президентимиз томонидан илгари суриглан “Обод хонадон” дастурини амалга оширишда жонбозлик кўрсатиб, юртимизда ҳар жиҳатдан обод хонадонларни кўпайтириш,

уларни бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатиш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини куҷайтиришимиз лозим.

**ХУРМАТИ УСТА БОҒБОН ВА МИРИШКОР ФЕРМЕРЛАР!**

Бозор ва дастурхонларимиз тўкинлиги сизларнинг заҳматли меҳнатнинг натижасицидир. Она табиатимизни асраш, юртимизда мевали ва манзарали боғлар, яшил ҳудудларни кенгайтиришда сиз, азизларнинг билим ва таҳрибангиз нийҳатда мухимдир.

Шундай экан, дала четларига тут ва узум кўчтларини экиш тажрибасини кенг оммалаштирайлик. Тутзорлар ерни эрозидан, экинларни турли табиии оғатлардан ҳимоя килиш билан бирга ишқилик саноати ривожининг бош омилидир. Узум ва унинг майизи дастурхонларимиз кўрки ва экспорт салоҳиетини оширишда мухим ўрин тутади. Тут ва узум мўл ҳосил ва катта даромад манбандир. Шундай экан, дала четларига тут ва узум кўчтларни тўлиқ экилишига эришайлик!

**АЗИЗ ёШЛАР!**

Жонажон Ўзбекистонимиз, унинг ер ости ва ер усти бойларлари, ўсимлик дунёси, яшил ўрмон ва боғлари ҳаммаси сизники! Бундай саҳоватли заминни химоя килиш, асраб-авайлаш сизнинг бурчингиз. Шундай экан, она заминимизга меҳринизни беринг. Табиатимизга нисбатан адолатиз муносабатдан хулона ҳисорларни, чиқаринг, бундай хатоларни тақорламанг. Ўзиниздан кейнинг нурли келажак учун буғундан бошлаб боф яратинг!

**ҚАДРЛИ ВАТАНДОШЛАР!**

Шу кунларда Президентимизнинг жорий йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақилларининг ўттиз икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтизиши тўғрисида”ги карорига мувофиқ, “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун” шиори остида мустақиллик байрамига катта тайёргарлик кўрмокдамиз. Шу муносабат билан ҳар бир оила “Мустақилликнинг 32 йиллигига 32 туп дарахт” шиори остида хонадонларимиз, маҳалла гузарлари, йўл бўйларига мевали ва манзарали дарахтлар экайлик!

Шунингдек, 1 октябр — Ўқитувчи ва мураббийлар куни, 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни, 21 март — Наврӯз умуммиллий байрамлари муносабатда билан устозларимиз, оналаримиз, бувиларимиз, оталаримиз, яқинларимиз, ўғил-қизларимизга атаб ҳар бир ҳудуднинг иклим шароитига мос терак, тут, узум, манзарали ва мевали ниҳоллар экиб, парваришларни анъанага айлантирайлик. Ерга қадалган ҳар бир ниҳол орзу-умидларимиз рўбидек улғайсин! Халқимиз айтганидек, ҳар биримиздан яхши боф қолсин!

Бу эзгу ишларимизда Яратганинг ўзи маддакор бўлсун!

## НУРОНӢӢЛӢЛАР ШИФОКОРЛАРГА РАҲМАТ

Инсоният шу пайтагача ўйлаб топган, руҳни кувватларни руҳни ўзининг тоғли деҳқонбод туманидан соғлигимни тикилаш мақсадида Тошкент шаҳридан “Нуронийлар” санаторийсига оиласи билан келдим. Ҳозирга қадар “Есен туки”, “Ўзбекистон”, “Сумона”, “Геолог”, “Қашқадарё сохили”, “Турон”, “Ботаника”, “Чинобод”, “Днепр” ҳамда “Украина” санаторийларида дам олганман. Шу жихатдан қараганд, ушбу санаторийлар билан “Нуронийлар” сиҳатгоҳини солиширадиган бўлсам, мазкур дам олиш масканинг раҳбаридан тортиб оддий ҳодимларининг бозга ўтибори, билими, ғадрати, савиаси, илиқ ва самимий муносабати менда яхши таасурот қолдирди.

1992 йил ташкил этилган сиҳатгоҳ бир вақтнинг ўзида 212 нафар дам олувчига хизмат кўрсатадиган турли ташкилотларнинг жамоавий саёҳатлаштириши йўлга кўйилган. Караган, кизик ракам, “Нуронийлар” санаторийсига дам олётган фахрийлардан Ҳалқ демократик партияси аъзолари 35 фоизни ташкил қилган.

Олимларнинг илмий изланишларига кўра, йилига бир марта саёҳатга чиқадиган инсонлар таътилини уйда ўтказадиган одамларга нисбатан миокард инфарктiga камроқ чалиниши аниқланган. Яъни, саёҳатлар юрек учун фойдали! Ушбу сиҳатгоҳда дам олиб, соғлигимизни қайта тикилаб чиқдик. Энди бу дам олишдан олган куч-ғайратимизни иш фаолиятимизда сарфлаймиз.

Турдиқул МАМАНОВ,  
ҳалқ депутатлари Деҳқонбод туман  
Кенгашидаги ЎзҲДП гуруҳи аъзоси

## МАНДАТ: УМУМИЙ НАТИЖАЛАР ЯХШИ ЭМАС



Ёз ойининг асосий воқеаларидан бири — абитуриентлар олий таълим мұассасаларига кириш имтиҳонл

## STRATEGIYA – 2030



ЎЗБЕКИСТОН – 2030 СТРАТЕГИЯСИ ЛОЙИХАСИ ҲАМДА ЖОРӢ ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАСИДАН ЎТДИ. УЛАРДА МАҚСАДЛАР ВА САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ОСОН ҶАБУЛ ҚИЛИШ ВА ТУШУНИШ УЧУН ҚУЛАЙ ШАКЛДА ИФОДАЛАНГАН. 100 ТА КАТТА МАҚСАДНИНГ 17 ТАСИ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОРҚАЛИ АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН.

УШБУ ЙўНАЛИШДА ИҚТИСОДИЁТДА НОДАВЛАТ СЕКТОР УЛУШИНИ 85 ФОИЗГА ЕТКАЗИШ, ДАВЛАТ УЛУШИ МАВЖУД 2,3 МИНГТА КОРХОНАЛАР СОНИНИ 6 БАРОБАРГА КАМАЙТИРИШ, РЕСПУБЛИКАДА 17 ТУРДАГИ ДАВЛАТ МОНОПОЛИЯСИНИ БЕКОР ҚИЛИШ БЕЛГИЛАНГАН.



Стратегияда белгиланиши кутилаётган мақсадларга етиш, хусусан, 17 турдаги давлат монополиясини бекор қилишнинг аҳамияти тўғрисида Банк-молия академиясининг рақамили банк иши кафедраси муддери, иқтисодёт фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент Акром Абдулсалимовнинг фикрлари билан қизиқдик.

— Хар бир бозор иқтисодиётидаги давлатларда ишлаб чиқариши оширишда, аҳоли бадиганини таъминлашда ва фаровонликни янада оширишда хусусий секторнинг ўрни бекіёсдир, — дейди у.

Ривожланган давлатлар тажрибалари орқали қўришимиз мумкин, иқтисодиётда хусусий секторнинг улуши жуда катта бўлиб, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви минимал даражагача туширилган.

Иқтисодиётда энг асосий қонунлардан биро "талаф ва тақлиф" мувозанати бозорда аникланади. Айнан бу каби иқтисодий қонунларни бузадиган элементлардан биро давлат иштироки мавжуд бўлган монопол корхоналарнинг шаклланиши хисобланаб, бу ички иқтисодиётда соглом рақобатнинг бузулшига, маҳаллий бозорларимизда нарх барқарорлигига путур етказишга ва проварифда маҳаллий, чет эл бозорларига сифатиз товарлар чиқишига олиб келади. Яъни, бир гап билан айтганда, мамлакат иқтисодий тизими бозор иқтисодиёт бўлган вазиятда "Давлат яхши инвестор эмас", деган фикр ўз исботини топган.

Юқоридаги вазиятлардан келиб чиқсан ҳолда, "Ўзбекистон-2030" стратегияси лойиҳасида айнан мамлакатимизда монополияни камайтиришга, давлат-хусусий шериклик механизмларни фаол ишга тушуришга, хорижий инвесторларни жалб қилишга ва натижада тадбиркорларга эрkin фаолият юри-

**Ривожланган давлатлар тажрибалари орқали қўришимиз мумкин, иқтисодиётда хусусий секторнинг улуши жуда катта бўлиб, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви минимал даражагача туширилган.**

Тиш учун шарт-шароит яратишга алоҳида этибор берилган.

Хусусан, "Ўзбекистон-2030" стратегиясининг барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўналишлари бўйича амалий тадбирлар режасига мувофик, монопол соҳаларни бозор тамойилларига изчил ўтказиш, иқтисодиётда хусусий сектор улушини ошириш, тадбиркорларга эрkin фаолият юритиши учун энг қулаи шароитлар яратиш иқтисодиётимизни ривожлантириш учун мухим мақсадлардан биро сифатидаги белгилаган.

Ушбу мақсадга эришиш йўлида айrim соҳаларда хусусий секторни кенг жалб қилиш орқали давлат тасаруфида факат магистрал энергия ва транспорт тармоқлари, давлат бошқаруви ва хавфлизлиги билан борглик соҳаларни саклаб қолиш, маҳаллий тадбиркорлик субъектларига стратегик фойдали қазилма конларни бериш амалийтини кенгайтириш каби мухим мақсадлардан бирини амалга ошириш учун маҳаллий тадбиркорлик субъектларига стратегик фойдаланиш, хусусан, олтин, кумуш, вольфрам, кўмур ҳамда норуда конлар бўйича рухсатномалар сонини 4 баробар ошириш бўйича аниқ режаларни ишлаб чиқиш позимлиги белгиланган.

Иқтисодиётда соглом рақобат мухитини шакллантириш ва бунинг нитижасида маҳаллий бозорларимизга сифатли товарларни етказиб беришда давлат солиқ сиёсатининг ўрни бекиёсдир. Шу боисдан, солиқ тизимининг барқарорлигини таъминлаш йўлида 2024 йил учун давлат бюджети параметрларни ишлаб чиқиша кўшилган қиймат, фойда, айланма ва мол-мұлк солиқ ставкаларни оширилмаслик ҳамда солиқ тизимини тўлиқ рақамлаштириш, соддлаштириш ва барча тадбиркорлар учун тенг имкониятлар яратиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш долларб масалаларга айлантириди.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларига кераксиз ва уларнинг вактини олиши мумкин бўлган турли бюрократияни омилларни камайтириш ва бунинг орқасидан пайдо бўладиган турли коррупцион элементларни бартараф этиш мақсадида тадбиркорлик субъектларига барча хизматларни онлайн кўрсатишни йўлга кўшиш зарурлиги ўз аксини топган.

Ушбу мақсадга эришиш йўлида биринчи қадам сифатида тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган хизматларни "ягона дарча" тайомили асосида онлайн платформага ўтказиш бўйича режа-графикни ишлаб чиқиши кераклиги алоҳида белгилаб кўйилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, стратегия лойиҳасида белгиланган монопол соҳаларни бозор тамойилларига изчил ўтказиш, иқтисодиётда хусусий сектор улушини ошириш бўйича назарда тутилаётган чора-тадбирлар ўзбекистоннинг тез ривожланётган давлатлар сирасига киришига олиб келади, деган умиддамиз.

"Ўзбекистон овози" мухбири Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ тайёрлади.



## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ ЁШЛАР БИЛАН БИРГА ҚУРАМИЗ

Ўзбекистон ХДП Мирзачўл тумани кенгаши томонидан "Янги Ўзбекистонни ёшлар билан бирга қурамиз" шиори остида мирзачўллик ёшлар билан учрашув ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят, туман кенгаши масъул ходимлари, ҳалқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, туман ёшлар агентлиги масъул ходимлари, маҳаллалардаги ёшлар етакчилари ҳамда "Ёшлар дафтири"га киритилган ёшлар иштирок этиди. Учрашув давомида бугунги кунда ёшларга берилётган имтиёзлар, таълимга ва спорту қаратилаётган эътибор ва ёшларни билимли, илми бўлишларига яратиб берилётган шароитлар ҳақида айтиб ўтилди.

Мулоқотда ёшларни қўйнаётган муаммолар ўрганилиб, фикр на тақлифлар билдирилди. Жумладан, ёшлар томонидан бандлик, тадбиркорлик фолиятни бошлаш учун имтиёзли кредит олиш масалалари кўтарилди. Тадбир давомида соғлиқни сақлаш, уй-жой ҳамда бандлик масалалари бўйича мурожаат 12 нафар ёшларнинг мурожаатлари ўрганилди ва 4 нафарининг масаласи ҳал этилди.

Учрашув сўнггида партияга янги қабул қилинган ёшларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

## МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНДИ

Нукус шахридаги "Дўстлик уйи"да Ўзбекистон Халқ демократик партияси Коқақалпогистон Республика Кенгаши ва Нукус шаҳар кенгаши томонидан ҳамкор ташкилотлар билан бирга қурамиз!" мавзуисида мустақиллигимизнинг 32 йиллиги байрами олдидан давра сухбати бўлиб ўтиди.

Унда Ўзбекистон ХДП Коқақалпогистон Республика Кенгаши, Нукус шаҳар кенгаши масъул ходимлари, Коқақалпогистон Республика Кенгесидаги партия фракцияси аъзолари, партия фаоллари, Ўзбекистон Карлар жамияти ҳамда Ўзбекистон Ногиронлар асоциацияси Коқақалпогистон Республикаси худудий бўйимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, ногиронлиги бўлган ёшлар иштирок этиди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Коқақалпогистон Республика Кенгесидаги партия фракцияси раҳбари Халила Ешимбетов, ҳамкор ташкилотлар вакиллари тадбир иштирокчиларни яқинлашиб келаётган мустақиллигимизнинг 32 йиллиги байрами билан табриклаб, давлатимиз раҳбари таъшаббуси билан истиқтол юилларида юртимизда амалга оширилган кенг кўлумли бунёдкорлик ишлари, эришилган ютуклар, келгусидаги максад ва вазифаларни ахамияти хусусида тўхталиб ўтиди.

Тадбир давомида партия дастурий мақсадларни амалга оширишади, аҳоли орасида кенг тарбиғ қилишда фаол иштирок этгайтган фаолларга ташаккурнома ва эсадлик совғалари топширилди.

## ЮРТНИНГ ФАОЛ АЁЛЛАРИ

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши томонидан "Мустақил юртнинг фаол аёллари: хукукий ва ижтимоий асослар" мавзуисида давлат мустақиллигининг 32 йиллиги байрами олдидан давра сухбати ўтиклиди.

"Ишга марҳамат" мономарказида бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасидаги ХДП фракцияси аъзоси Д. Мамаджанова, ҳалқ депутатлари вилоят кенгаши депутати, Фарғона вилоятин оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиги ўринбосари Гулчехра Жўраева, вилоят ИИБ ФМБ масъул ходими Дилшода Ўринова, ЎзХДП масъул ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этилди.

Давра сухбатида иштирокчиларни аввало яқинлашиб келаётган мустақиллик байрами билан табриклаб, истиқтол юилларида эришилган ютуклар, олдинга қўйилган максад ва вазифаларни ахамияти хусусида тўхталиб ўтилди. Ислоҳотлар, янгиланишлар ва демократик жаъёнларнинг барчаси ҳалқимиз ҳаётни турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилганилиги, хозирги тезкор даврда ўтётган ҳар бир куни мизандан унумли фойдаланишимиз, ҳар бир кун келажагимиз учун пойдеров эканлиги, хотин-қизларга берилётган имтиёзлар, уларнинг ҳақ-хукуқлари ҳақида иштирокчиларга атрофичка тушунтиришлар берилди.

Учрашув сўнггида "Ишга марҳамат" мономаркази фаолияти билан танишилди.

## НОГИРОНЛАРГА ЯРАТИЛГАН ҚУЛАЙЛИК ЮЗАСИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

Нукус темир йўл вокзалида ҳамкор ташкилотлар билан биргалидаги амалий тадбир ташкил этилиб, унда ногиронлиги бўлган шахслар учун яратилган имкониятлар ва қулаийликлар ўрганилди.

Ўрганишида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Коқақалпогистон Республика Кенгаши, Ўзбекистон Ногиронлар Асоциацияси Коқақалпогистон Республикаси худудий бўйимлари, Ўзбекистон милий асоциацияси, "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати, Ўзбекистон махсус олимпиадаси, Ўзбекистон Карлар жамияти, Ўзбекистон кўзи охизлар Ресми ташкилотлари ташкилотларининг тез ривожланётган давлатлар сирасига киришига олиб келади, деган имиддамиз.

Ўрганишида фуқаролар ўртасида савоннома тўлдирилиб, аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

ЎзХДП ахборот хизмати.

## MUSTAQILLIK: TARIX VA BUGUN



# ТОШКЕНТ МЕТРОСИ

БУГУНГИ КУНДА ПОЙТАХТИМИЗ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИНИНГ УЗОҒИНИ ЯҚИН ҚИЛАЁТГАН ҚУЛАЙ ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ МЕТРОДИР. ЁШИ УЛУҒ, ЎША ДАВРДА ИШЛАГАН ИНСОНЛАР ЕР ОСТИ ЙОЛИ ҚУРИЛИШИ ТАРИХИНИ ЯХШИ БИЛИШАДИ, ЭСЛАШАДИ. ТОШКЕНТ МЕТРОСИ ЎЗ-ЎЗИДАН ҚУРИЛМАГАН. ХАЛҚИМИЗНИНГ АТОҚЛИ ФАРЗАНДИ, ЎЗБЕКИСТОН РАҲБАРИ ШАРОФ РАШИДОВНИНГ БЕВОСИТА ТАШАББУСИ ВА РАҲНОМАЛИГИДА ТОШКЕНТДА МЕТРО ҚУРИЛИШИ БОШЛАНГАН. ҚАЙД ЭТИШ КЕРАККИ, БУ ЮРТДА МЕТРО ҚУРИЛИШИ УЧУН МАРКАЗНИНГ РУХСАТИНИ ОЛИШ МИНГ БИР МАШАҚҚАТ БҮЛГАН, МАБЛАҒ АЖРАТИШ УНДАН ҲАМ ОФИР КЕЧГАН. МЕТРО ҚУРИЛИШИННИГ ЛОЙИХА СМЕТАСИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ТАСДИҚЛАШ УСТИДА УЗОҚ ВАҚТ ИШЛАНГАН. ШАХСАН ШАРОФ РАШИДОВНИНГ ЎЗИ СОБИҚ ИТТИФОҚ РЕСПУБЛИКАЛАРИДАГИ КЎЗГА КЎРИНГАН МЕТРОСОЗ ҚУРУВЧИЛАРНИ ТОШКЕНТГА ЙИФИБ, МЕТРО ЛОЙИҲАСИ УСТИДА ИШЛАШ ЖАРАЁНИДА ПОЙТАХТНИНГ ГЕОГРАФИК ЖОЙЛАШУВИ, ИҶЛИМ ШАРОИТИНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ, ҲАР БИР БЕКАТНИНГ ДИЗАЙНИНИ ҲАМ ЭЪТИБОРГА ОЛИНИШНИ ТАЪКИДЛАГАН. ҚУРИЛИШ ЖАРАЁНИ ҲАМИША У КИШИНИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА ВА НАЗОРАТИДА БҮЛГАН.

Ҳар гал метрота тушганимда ана шу фиқрлар хаёлимдан ўтади. Халқига садоқат билан хизмат қилиш йўлида Шароф Рашидов метро қурилишида чинакамига жасорат нағуналарини кўрсатган. Ер ости қурилиши Узбекистон, ўзбек халқига қулай шароит яратиши, келажагини ўзи бунёд этиши, мустақил карорлар қабул қилиш ўйлидаги дадил қадамларидан бирни эди. Шу жиҳатдан ҳам бу ИНСОНнинг давлатимиз учун қылган хизматлари бекиёс.

Ўтган асрнинг 70-йилларида Тошкент метроси қурилиши жадал олиб борилган. Бу хакда оммавий ахборот воситалярида ҳабар ва лавҳалар берилган. Жумладан, "Совет Ўзбекистони" газетасининг 1977 йил 21 октябрдаги сонида "Тошкент метроси: биринчи поезд" сарвласи ҳабар берилган. Ҳабарда шундай сўзлар ёзилган: "Тошкент метросининг линиясидан 20 октябр куни биринчи синов поезди ўти, 12,2 километр узунлиқдаги биринчи навбат трассаси ишга тушунишда олдидан синаф кўримлоқда. Со-бир Раҳимов номли станция билан Чилонзор ўртасидаги йўлдан зангори экспресс биринчи марта қатнаётган йўқ. Бу этalon участка ёздаётк ишга тушунишдан ўти, Ана шу участканни ишга тушуниш натижалари метросозларга йўлнинг бошча участкаларини ҳам тезлаштириш, станциялардаги автоматикани созлашга ёрдам берди.

Биринчи синов рейсининг пассажирлари - Тошкент метросозлари ва уларга кўмаклашши мақсадида Москва, Ленинград, Киев, Харьков ва Бокудан келган ҳамкасларни станцияда туришибди.

Мана "Пахтакор" стансияси - шу кунларда ишга тушуниладиган қурилиш штаби жойлашган ер. Мустақил Самад Эрназаров, унинг ёрдамчиси Ҳусан Шукурев бошқарбари бораётган зангори экспресс навбатдаги станцияга йўл олади.

Мана, ниҳоят охирги марра. Станция перонида тўхтаган состав кутуб олувчиларнинг қарслалари остида тўхтайди. Синов сафари тугади.

Шу кунларда метронинг ишга тушуниладиган комплексида охирги ишлар бормоқда. Станцияни пардоzlаш, тозалаш, автоматикани текшириш ишлари тугай деб қолди..."

1977 йил 29 октябрда эса газетанинг

муҳбирлари Абдукарим Набиҳўжаев ва Номоз Сайдуллаевнинг "Тошкент метросидан репортаж" руқни остида "Ер ости қасри" сарлавҳали мақолоси эълон қилинган. Метро қурилишидан руҳланган, фарҳ туйган икки қаламкашнинг катта пафос билан ёзилган мақолосини жузъий тузатиш ва қисқартиришлар билан қўйида келтириб ўтишини лозим деб топдик:

"Улкан ва муҳташам қасрлар гўё ўйлнома саҳифаларида ўйшайди. Фарҳи шундаки, ўйлнома саҳифаларидан туруб ҳаёлан назар ташлайсиз, қасрлар олдида эса ўтмиш хотираларига шўйғиёсиз..."

### ТОШКЕНТДА МЕТРО!

Жаҳонда ўттиз олтинчи, СССРда еттинчи, шарқ республикалари ичидаги биринчи метрополитен...

Тошкент метроси иттифоқда курилган метрополитенинг энг сўнгги ютуқлари асосида амалга оширилмоқда. Муқаммал вентилияция системалари ўнаттилди. Ҳаво тоњнеларда қишида махсус батарея-алориферлар ёрдамида иситилади. Ёзда эса ўзига хос микродушлардан совук сув сачратиш ўйли билан соютилади. Ўта иссиқ кунларда метрода ҳарорат 22-24 даражадан ортмайди. Совук кунларда эса 17 даража иссиқ бўлади.

Ҳар йили юз милёндан ортиқ йўловчи ташисига мўлжалланган Тошкент метрополитеининг тараққиёт схемасида 50 километр узунликдаги учта линия куриш кўзда тутипланган...

Кунлар келади. Тошкент метрополитеенинг уччала навбати ҳам ишга тушади. Ҳозир эса унинг биринчи навбати дастлабки линияси хизматга шай. Яна б кундан сўнча бу қувончи дамлар етиб келади. Яна б кундан сўнча барча бирдек бу катта воқеанинг шоҳиди бўлишиади. Белгиланган муддатдан бир ўтп олдин Тошкент замини остида илк яшил поездлар страт олади. Катта жасорат бу!..

... Шу кунларда Тошкент метросозлари зарборд вахтага чиқишиган. Иш тигиз, суръат авжиди, 9 кундирки, 12,2 километрлик трасса бўйлаб ер ости поездларининг мунтазам қатнови синовдан ўтаяпти. Барча алоқа системалари ишлатиб кўрилмоқда. Станцияларнинг хизмати қатъий режимга солинаёттир. Дис-

» **Кўпни  
қўрганлар  
юртнинг  
забардаст  
фарзанди  
халқининг  
оғирини енгил,  
узогини яқин  
қилиш учун  
бошлаб берган  
эзгу ишини  
яна бири  
муваффақият  
билин давом  
эттираётгани  
ҳақида  
мамнун бўлиб,  
ғуурланиб  
гапирияпти,  
дуолар қиласпти.**

тушириш-созлаш ишлари планда кўрсатилганидан ўн уч ой олдин бажарилди. Давлат комиссияси Тошкент метросига энг юқори - "аъло" баҳо қўйди...

... Узок орзикб кутилган дақиқа етиб келади: машинист Лутфилла Исламутлаев моторли вагоннинг кабинасида ўз иш жойига ўтиради. Унинг ёнида ёрдамчиси, метро поезди ҳайдовчилари орасидан биринчи ўзбек кизи Аширгул Раҳматова ўтирибди...

... Поезд силжиди. Ок йўл!.."

Метрополитен ишга тушунишда катта байрагма айланбет кетади. Дарҳақиқат, Тошкент метроси халқимиз учун катта қулайлик яратди. Ундан фойдалувчилар эса афсонавий қурилишга бош-кожа бўлган Шароф Рашидов хизматларини катта-кичик давраларда ётироф этишиади. Оғир ва мураккаб даврда Ўзбекистонни бошқарб, ҳалқи манфаати йўлида жуда катта қурилиш, ободончилик ишларининг бошида турган бу ИНСОНнинг жасорати ҳеч қачон унтутилмайди. Доим фарҳ-ифтихор билан эсланади.

Кечаки яна метрота тушдим. Ер остида одамлар кўп. Ер остида эса машиналар тирбанд, бир-бирига йўл бермайди. Манзилга юрак ҳовчублаб борасиз. Шунда ҳаёлимдан "агарда шу метро қурилмаганида нима бўларди" деган савол ўти. Шунда узоқни кўра билиш ҳаммага ҳам берилмаслигини англадим. Узоқдан туриб келажак ҳақида қайгуриш, ҳалқига қўйай шароит яратиш ва ғамхўрлик ишларини кишидан катта жасорат ва меҳнат талаб этганини шак-шубҳасиз. Шу маънода Шароф Рашидовнинг ўша пайтда халқимизнинг орзу-армонларини амалга ошириш, уларга ўқишида, ишда муносиб шароит яратиш учун бир-биридан кўркмадан маданий-маший объектлар қурилиши, шинам уй-жой барпо этилиши, чўллар ўзлаштирилиши, одамларнинг иш билан таъминланиши йўлидаги буюк хизматларини буғунги ва келажак авлод миннатдорлик билан эслайди, у киши билан фахрланади.

Негаки, истиқол сари, мустақиллик томон интилган ҳалқининг хоҳиши-иродасини амалга оширишда Шароф Рашидов матонати, шижоати, донишмандлиги катта роль йўнаган. Тошкент метроси ҳам шу буюк мақсад йўлида қилинган ишлардан бири бўлган.

### УШАЛАЁТГАН ОРЗУЛАР

Шароф Рашидов даврида Тошкент метрополитенинг иккичи ва уччини йўналишлари қурилиши ҳам режалаштирилган эди. У инсоннинг орзулари Мустақиллик йилларида, айтиш керакки, ортиғи билан ушалмокда.

Айниска, кейинги 5-6 йил давомидаги пойтактимида метро ҳаёлга келмайдиган даражада ривожланди. Президент Шавкат Мирзиёев ташабbusи ва бошлилиги улкан лойиҳа амалга оширилиб, метрополитенниг бутунлигидаги буғунги ташабbusи шиддат билан барпо этилмоқда.

Бугунги кунда Тошкент метрополитенинг 5 та - "Чилонзор", "Юнусобод", "Ўзбекистон" деб номланган ер ости, "Сергели" ва "Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз ийлиги" деб номланган ер ости йўналишларидан иборат.

Бир кунда ўртача 600 минг йўловчига хизмат кўрсатадиган аҳамияти ҳақида ортиқча таъриф шарт эмас. Куннинг исталган қисмиди шаҳарини бу бурчагига метро ҳар қандай жамоат транспорти ва ёнгил автомобилга нисбатан тезроқ бизни манзилга етказади.

Ер устидаги 19 та метро бекатига ҳам тарихимизни, ҳам бугунимизни эслатиб турадиган номлар берилди. Асосиси, бу номлар жамоатчилик таклифлари асосида танланди.

Кўпни қўрганлар юртнинг забардаст фарзанди халқининг оғирини енгил, узогини яқин қилиш учун бошлаб берган эзгу ишини яна бири муваффақият билан давом эттираётгани ҳақида мамнун бўлиб, ғуурланиб гапирияпти, дуолар қиласпти.

**Равшан ШОДИЕВ  
тайёрлари.**

## MADANIYAT

+35 Коракалпогистон  
+40 Республикаси  
Хоразм +34 Бухоро  
Навоий +34 Ташкент  
Самарқанд  
Жиззах  
Сирдарё +34 Қашқадарё  
Сурхондарё +32 Андижон  
Наманган  
Фарғона +35 Ташкент  
шахри

t.me/uzbekiston\_ovozi\_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston\_ovozi info@uzbovozi.uz www.uzbovozi.uz



# ЯНГИ МАВСУМГА ТАЙЁРЛАНИНГ!

**ЮГУР-ЮГУРЛАР БИЛАН ОВОРАЮ САРСОН БҮЛИБ, ҲАЁТНИНГ ГЎЗАЛЛИГИНИ УНУТИБ ҚЎЙМАСЛИК УЧУН ИНСОНГА САНЪАТ ЗАРУР.**

ОНГ ВА ТАФАККУРИМИЗНИНГ ТЕРАНЛАШИШИДА ТЕАТРНИНГ ЎРНИ ЎЗГАЧА. ТЕАТР ҚАДИМДАН НАФАҚАТ ҲОРДИҚ ЧИҚАРАДИГАН, ТУРМУШДАГИ МУАММОЛАРДАН ЧАЛҒИЙДИГАН МАСКАН, БАЛКИ ТАРБИЯ, МАҶНАВИЯТ ВА МАҶРИФАТ ЎЧОГИ БўЛИБ ҲАМ ХИЗМАТ ҚИЛГАН.

**Театрга шунчаки томошахона эмас, буюк даргоҳ сифатида қараш түғри бўлади.** Сиз фарзандингизга узундан узок насиҳат қилиб чарчаган бўлсангиз, яхшиси уни манфаатли асарлар намойишига олиб келинг ва фарзандингизни айнан театр саҳнасидаги санъат асарига топширинг. Чунки у кўринмайдиган камчиликларни акс этиши учун ҳам бизга адолат кўзгусини тутади. Томошабин ўзидағи камчилик, қўсур, ёмон иллатларини саҳнадаги актёр образида кўрар экан, эътироф билдирилмай қолади. Жимгина, унисиз ичади хулоса чиқариб кўя колади.

Театр шундай катта куч. "Қани, шундай асарлар борми?", дейсиз-да. Албатта, бор. Биласиз, ўзбек театри катта мактаб, улуғ даргаларнинг мақони. Саҳналаримизда азалдан яхши асарлар, ўзбек, жаҳон классики постановкалари намойиш қилинган. Шуни ҳам айтib ўтиш жоизи, ҳар бир театрнинг ўзига хослиги, йўналиши, ёндошуви мавжуд. Айни кунларда улар ҳадемай бошланадиган театр масумига тайёргарлик кўришяпти.

## KATTA OPEN AIR

Биласиз, ёзингиз жазира мақонида театр доим ҳам гавжум бўлавермайди. Сентябр ойи театр мавсумини очиб беради. Ҳадемай гавжум бўладиган театрларимизда айни кунларда қандай асарлар намойишига тайёргарлик кўрилмоқда? Марказий Осиёдаги энг ийрик театр хисобланган Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри доим ўз мавсумини ноанзанивий тарзда очади. Бу даргоҳда одатда очиқ осмон остида миллий симфоник Open Air концерти намойиш этилади.

Анъана гўка, бу йил ҳам ушбу ийрик тадбир ўз атрофида минглаб театр ихлосмандларини йигишга ишончли. Чунки, концерт дастурида жаҳон классик мусиқасининг дурданалари севимли спектакларнинг энг ёрқин саҳналари билан бошланади. Айтиш керакки, Open Air миллий симфоник концерти бу – Ўзбекистон театр санъати учун ноёб лойиҳа хисобланади. Узбек Миллий академик драма театрида

**Театр, санъат бор экан, ҳаёт мароқли ва гўзалдир. Янги мавсумда сизга ёрқин ва гўзалиссуротлар тилаймиз.**

томушабинларда классик мусиқа, опера ва балетга ҳамда жаҳон класикини дурданаларига меҳр уйғотиша хизмат килади.

Тадбир ташкилотчilarinin таъкидлашича, тайёргарлик жараёнлари бир неча ой аввал бошланади. Демак, тез орада навбатдаги ийрик, нуфузли тадбирга гувоҳ бўламиз.

## МАВСУМ "АДОЛАТ ФАСЛИ" БИЛАН БОШЛАНАДИ

Шекспир айтгандик, бутун олам - театр, унда ҳар бир одам актёрdir. Саҳнасида буюк актёrlar турли образларни жонлантирган Ўзбек Миллий академик драма театрида ҳам айни кунларда мавсумга катта тайёргарлик кўрилмоқда. Мавзумки, ушбу театр 1914 йилда Абдулла Авлоний томонидан тузилган "Турон" труппасининг фолияти билан ўз ишини бошлаган.

Кейинчалик 1937 йилда мазкур труппа драма театри номини олди. Узбек Миллий академик драма театрида

комедия, трагедия, драма каби турли жанрлардаги спектакллар саҳналаштирилади. Спектакллар ўзбек тилида наимойиш этилади. Бу театрда ижодкорлар хаётимизда кундан-кунора содир бўладиган одатий ҳолатларни юмор орқали кўрсатиб беришга ҳаракат киладилар.

"540 ўрнинг мўлжалланган театрга чипталарни олдиндан ёки бўлмаса спектакль бошланинишидан олдин ҳарид қилиш мумкин" – бу сентябрь ойида энг кўп айтиладиган гап. Чунки ҳакиқатан ҳам, ушбу театр куз мавсумида томошабинлар билан гавжум бўлади. Демак, Ўзбек Миллий академик драма театрининг 2023 йил сентябрь ойи репертуарга режисига кўра, мавсум "Адолат фасли" (Амир Темур), "Усмон Носир", "Ўзгалар дарди", "Тақдир синовлари", "Чиройлисан, муҳаббат", "Ўжарлар", "Аршин Мал Алан" асарларининг намойиши билан бошланади. Эслатиб ўтамиш, душанба театрда дам олиш куни.

## 85-МАВСУМГА ОЗ ҚОЛДИ

Афсонавий, тарихий мусиқали асарларнинг ҳақиқий ихлосмандлари Муқимий театрнинг томошабинлари хисобланади.

Бу даргоҳ Ўзбекистонда мусиқали драма тараққиётiga хизмат қилувчи асосий театрлардан хисобланади. Унинг бағрида кейинчалик республика музикнинг барча виоят мусиқали драма театрлари репертуарига кўшилган, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон ва бошقا давлатлардаги саҳналарда ҳам кўйилган энг сара комедиялар, мусиқали трагедиялар туғилган.

"Тоҳир ва Зуҳра", "Нурхон", "Олтин", "Ватан иши", "Тошболта ошиқ", "Момо ер", "Ўжарлар", "Жоним фидо", "Зўлдир", "Гул ва наврӯз" ва бошқалар мусиқали драма санъатининг ёрқин ва кўнишлариди.

Хўш, жамоа янги мавсумга ўз муҳлислари учун қайси асарлар намойишини ҳозирламоқда? Бизга маълум қилинишича, ушбу даргоҳ сентябрь ойида "Ёшлик соғинчи", деб номланган театрлаштирилган концерт дастури билан 85-мавсумни бошлайди.

Шунингдек, янги мавсумда яқин орада премьерлари ўтган бош режиссёр Достон Ҳақбердиев томонидан саҳналаштирилган, драматург Мажид Шамхалов қаламига мансуб "Қайнона" спектакли ва драматург Фуслом Зафарий қаламига мансуб биринчи ўзбек мусиқали драмаси хисобланмиш "Ҳалима" спектакллари намойиш этилади.

Театр, санъат бор экан, ҳаёт мароқли ва гўзалдир. Янги мавсумда сизга ёрқин ва гўзалиссуротлар тилаймиз.

Нигора ҲАСАНОВА.

# ИИВ тезкор ходими ва 600 миллион

2022 йилнинг 29 сентябрдан 30 сентябрغا ўтар кечаси Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖҚББ Коррупция ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиб бошқармаси катта тезкор ходими Б.Т. (шартли исм) ишдан ўйига қайтмаган...

ИИВ катта тезкор ходими топиш мақсадида суристирув ва тергов ишлари бошланади. Олиб борилган тезкор кидирив натижасида гумонланувчи сифатида Ш.Халилов, ўта хавфи рецидивист К.Нурматов ҳамда М.Курёзов кўлга олинади. Тергов жараённада мавлум бўладики, Ш.Халилов ва К.Нурматов ИИВ катта тезкор ходимини бўғиги ўлдириб, сўнг мурдан ёқиб юборишган экан.

Тергов ва суд жараёнда аниқланади, ИИВ катта тезкор ходими Б.Т. билан Ш.Халилов олдиндан таниш бўлган.

– Тилла савдоси билан шуғуланаман, – дейди у зиёфат чогига Б.Т.га юзланиб. – Агар банкдан пул олиб берсангиз, ишимиз янада юришарди. Қисқа вақтда пулни қайтараман...

Унинг вадалярига ишонган Б.Т. эса Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖҚББ Коррупция ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиб бошқармасининг расмий бланка-сига гўёки у ишлётган бошқарма томонидан ўтказилиши кўзда тутилган, амалда эса умуман режалаштирилмаган "тезкор тадбир учун" ёлғон важ билан хат ёзди. Соҳта сўров хатига асосан Б.Т. банкдан 600.000.000 сўмни олиб, Ш.Халиловга беради.

Орадан маълум вақт ўтгач, Б.Т. пулни банкга топшириш лозимлигини ҳамда улушкини беришини Ш.Халиловдан талаб қилади. Шериги "хўп-хўп", дез турил баҳоналар қилиади. Ш.Халиловнинг мақсади пулни қайтармаслик бўлган. Шунинг учун катта тезкор ходим Б.Т.ни ўлдиримоқчи сканлигини М.Курёзовга айтади. М.Курёзов орқали К.Нурматов Б.Т.ни ўлдиришига ёлланади.

29 сентябр куни олдиндан тузилган режага кўра, Ш.Халилов гўёки 600.000.000 сўмни қайтармоқчи эканнини ва топган даромади хисобидан улуси бермоқчилигини айтиб, Б.Т.ни алдайди. Ундан "Новза" метросидаги кўп қавати ўйингиз олдига келишини сўрайди. Ш.Халиловнинг қабиҳ ниятидан хабарсиз Б.Т. айтилган манзилга хизмат машинасида этиб боради. Тахминан соат 21:12 ларда Ш.Халилов хизмат машинасининг орқа ўрнингдига ўтиради. К.Нурматов эса гўёки пул олиб келгандай қора пакет билан хайдовчининг Ш.Халилов олдиндан тайёrlа, ўзи билан олиб келган тасмаси Б.Т.нинг бўйига ташлаб бўға бошлайди. Б.Т. эса жонини сақлаб қолиш учун ёғини кўтариб, кўлни орқага чўзган вақтда ёнидаги К.Нурматов уни босади. Шу тариқа босқинчилар Б.Т.ни машина ичада бўғиги ўлдиришиади.

2022 йилнинг 29 сентябрдан 30 сентябрغا ўтар кечаси Чирчик дарё бўйида мурдага бензин сепиб, ёқиб юборилади. Б.Т.нинг хизмат машинасини эса Бектемир туманига олиб бориб, қўулфлаб ташлаб кетади. Бармоқ изларини йўқотиши мақсадида салон ичини латта билан артади.

Яқинда котиллар иши судда кўриб чиқилиди. Ўта оғир жиноятина касддан содир этган Ш.Халилов 24 йил, К.Нурматов эса 24 йил 1 ой мuddатга озодликдан маҳрум этилди. Улар жазони маҳсус тартибли колонияда ўташи белгиланди.

**Зоир КАМОЛОВ,  
Ташкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича  
судлов ҳайъати судъяси.**

## Ис гази ва унинг оқибатлари

Айтиб ўтиш керакки, олиб борилаётган кенг қамровли профилактик тадбирларга қарамасдан, ис газидан заҳарланиши билан боғлиқ кўнгилсиз ҳолатлар ҳамон учраб туриби. Бунинг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин.

Тутуннинг таркибида 3 зоиз, ишланган газда 13 фоиз, портглови газлар таркибида эса 50-60 фоизгача ҳамда ҳар қандай ёниш маҳсулотлари таркибида ис гази мавкуд. Ис газини сезги органлари орқали аниқлаш мушкуд. У рангиз, хидисиз бўлганлиги сабабли аксарият холларда одамлар уни сезмайди.

Ис гази фавқулодда хавфли заҳарли газ хисобланади. У организмга нафас азольари орқали тасир этиди. Ушбу газ гемоглобин билан кислордага ишлайди. Бунинг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин.

Тутуннинг таркибида 3 зоиз, ишланган газда 13 фоиз, портглови газлар таркибида эса 50-60 фоизгача ҳамда ҳар қандай ёниш маҳсулотлари таркибида ис гази мавкуд. Ис газини сезги органлари орқали аниқлаш мушкуд. У рангиз, хидисизланиши мумкин, уйқу ҳолатида эса хеч нарсани англай олмай ҳалок бўлиши хеч газ эмас.

Юқоридаги ҳолатларнинг келиб чиқishi йўл қўймаслик орқали кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш мумкин.

**Бобомурод САБИРОВ,  
Архив ва Ҳалқ қабулхонаси биноларида  
ЕХТТЭ бўлинмаси кичик инспектори, катта сержант.**

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV  
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 836. 6789 пусхада босиди. О'зА якуни —  
Нашр ко'rsatkichi — 220. Topshirilgan vaqt — 22:45

т — Tijorat materiallari

Sotuvda kelishilgan narxa

## Bosh muharrir: To'iqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «А»-уу.

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida boshildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'